

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТАШМАНОВ ҒОЛИБ ДАВРОНОВИЧ**

**ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

УДК: 657.6-051:006.032

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Ташманов Голиб Давранович**

Ички аудит хизматини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш .....3

**Ташманов Голиб Давранович**

Совершенствование службы внутреннего аудита на основе международных  
стандартов.....27

**Tashmanov Golib Davranovich**

Improving the internal audit service based on international standards .....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТАШМАНОВ ҒОЛИБ ДАВРОНОВИЧ**

**ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Qt1010 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Каримов Неъматулла Фатхуллаевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Азизов Шерзод Ўктамович**  
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz)

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З.Тешабаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Каландарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

**И.Н.Қўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, иктисодиёт фанлари доктори, (DSc), профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланишида акциядорлик жамиятлари ўртасида халқаро интеграциялашув жараёни ўта муҳим ҳисобланиб, улар ички назорат тизимини ҳамда ўзаро иқтисодий муносабатларини халқаро стандартлар асосида амалга оширишни афзал кўради. Шу боис, бугунги кунда ички аудитнинг халқаро стандартлари ички аудиторлар институти томонидан ишлаб чиқилган ва 160 дан ортиқ мамлакатларда амал қилиниб, 30 га яқин давлат тилига таржима қилинган<sup>1</sup>. Турли хорижий мамлакатлар ички аудитни ривожлантиришнинг бир қанча босқичларидан ўтди ва бу акциядорлик жамиятларининг самарали фаолият юритишида муҳим омил бўлмоқда. Ички аудитнинг халқаро стандартларига асосланган ички аудит жараёнлари бўйича тузилган ҳисоботлар ва тавсиялар нафақат маҳаллий инвесторларни, балки хорижий инвесторларни ҳам керакли ва ишончли маълумотлар билан таъминлайди.

Ҳозирги вақтда Фарб концепцияси шуни англатадики, ички аудитор қайсидир маънода ташкилот раҳбарининг «учинчи кўзи» бўлиб, у ўзи бошқарадиган мураккаб механизм ишида оптималлаштирилиши керак бўлган воситани кўрсатиб беради. Шу сабабдан жаҳон тадқиқотчилари томонидан, назорат ва аудит хизматларини кўрсатишни халқаро стандартлар асосида амалга ошириш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда ички аудит хизматини халқаро ички аудит стандартлари асосида ташкил этиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади, аммо шу билан бирга, ички аудит хизматини корпоратив бошқарув тизимига жорий этишда унинг аҳамияти, малака сертификати, мустақиллиги, норматив ҳуқуқий ҳужжатлари, иш режаси ва дастури, аудит ва таҳлилий амаллари, рискларни аниқлаш ва бошқаришни халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил этиш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда «...хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зарур»<sup>2</sup>лигини ҳисобга олиб, ички аудит хизмати тизимини унинг яхлитлигини бузмасдан, изчиллик билан, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд камчиликларни бартараф этиш орқали халқаро ички аудит стандартлари асосида такомиллаштириш талаб этилади. Бугунги кунда ички аудит хизмати фаолияти миллий қонунчилик асосида ташкил этилган бўлиб, уларга малака сертификати аудиторлар жамоат бирлашмалари томонидан 5 йил муддатга тақдим этилади ва шу кунга қадар, «жамоат бирлашмалари томонидан 600 тага яқин ички аудит малака сертификатлари

<sup>1</sup> <https://global.theiia.org/certification/CIA-Certification/Pages/CIA-Certification.aspx>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

тақдим этилган»<sup>3</sup>. Аммо, ички аудит хизмати фаолиятига етарлича эътибор қаратилмаганлиги натижасида, эволюцион кўринишда шаклланган ушбу тизим ташқи аудиторлик стандартлари асосида олиб борилмоқда. Айнан шунинг учун ҳам хорижий тажриба асосида акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув тизимида ички аудит хизматининг ташкилий жиҳатларини, ушбу тизим ходимларининг малакавий билимларини тасдиқловчи сертификатлаш тизимини, ички аудитнинг ишчи ҳужжатларини, таҳлилий ва аудит амалларини, назорат ва рискларни баҳолаш жараёнларини халқаро ички аудит стандартлари асосида такомиллаштириш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида», 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига 2-иловага асосан «Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида»ги Низом, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ички аудит хизматини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришда хорижлик иқтисодчи олимлардан В.Д.Андреев, Э.А.Аренс, Л.Власова, А.М.Богомолов, В.В.Бурцев, К.Друри, А.К.Макальская, А.М.Сонин, Э.М.Коротков, В.П.Суйц, Л.В.Сотникова, А.Д.Шеремет<sup>4</sup>ларнинг илмий ишлари эътиборга лойиқдир.

<sup>3</sup> <http://naaa.uz/index.php/uz/spiski-obladatelej-sertifikatov/vnutr-auditor>,  
<https://uzaudit.uz/reestr-vnutrennih-auditorov>

<sup>4</sup> Андреев В.Д. Внутренний аудит. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 464 с.; Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит. пер. с англ. гл. ред. серии. UNCTC проф. Я.В.Соколов. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 560 с.; Богомолов А.М. Внутренний аудит. Организация и методика проведения. – М.: Экзамен, 2000. – 192 с.; Бурцев В.В. Стандартизация внутреннего аудита в акционерном обществе. – М.: Аудитор, 2002. – 48 с.; Друри К. Управленческий и производственный учет. – М.: ЮНИТИ, 2002. – 312 с.; Макальская А.К. Внутренний аудит: учебно-практическое пособие. – М.: Дело и Сервис, 2001. – 112 с.; Сонин А.М.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан А.З.Авлоқулов Р.Д.Дусмуратов, А.К.Ибрагимов, Ш.И.Илхамов, А.А.Каримов, А.Х.Пардаев, М.Қ.Пардаев, М.М.Тулаходжаева, А.Ж.Туйчиев, Б.Қ.Хамдамов, И.Н.Кўзиевлар аудит тизимини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борган<sup>5</sup>. Бевосита, ички аудит масаласида Б.А.Хасанов ўз илмий изланишларида ички аудит хизматини компьютерлаштириш тизимига алоҳида тўхталиб ўтган<sup>6</sup>. Н.Ф.Каримовнинг илмий ишларида тижорат банкларида ички аудитни ташкил этиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш жиҳатлари ўрганилган<sup>7</sup>. К.Б.Ахмеджанов томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштиришнинг айрим масалалари очиб берилган<sup>8</sup>. С.У.Меҳмонов ишларида бюджет ташкилотларида ички аудит методологиясини такомиллаштириш масаласига бюджет тизими нуқтаи назаридан ёндашилганлигини кўришимиз мумкин<sup>9</sup>. А.Н.Тўраев томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини ташкил қилишнинг миллий қонунчилик асосида такомиллаштириш жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилган<sup>10</sup>. Н.Ш.Абдиева Ўзбекистон темир йуллари акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув тизимида миллий тизим бўйича ички аудит хизматининг ташкилий шакллари ҳамда уларнинг иш жараёнларини ҳужжатлаштириш жараёнларини ўрганган<sup>11</sup>.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган илмий изланишларда айнан

---

Внутренний аудит. Современный подход. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 64 с.; Сотникова Л.В. Внутренний контроль и аудит. Учебник. – М.: Финстатинформ, 2000. – 239 с.; Собуа Т. Организация и методика внутреннего аудита хозяйствующих субъектов. Автореф. дисс. на соис. ученой степени к.э.н. Воронеж. 2009. – 23 с.; Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. 5-е изд., перераб. и дополненное. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 448 с.

<sup>5</sup> Авлоқулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2019. – 71 б.; Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – 612 б.; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлар ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2002. – 41 б.; Илхамов Ш.И. Аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2018. – 70 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2009. – 32 б.; Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. – Т.: Академия, 2002. – 172 б.; Тулаходжаева М.М. Система финансового контроля в Республике Узбекистан. – Т.: Мир экономики и права, 1998. – 176 с.; Туйчиев А.Ж. Мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. Монография. – Т.: ТДИУ, 2010. – 272 б.; Хамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2007. – 33 б.; Кўзиев И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2017. – 70 б.

<sup>6</sup> Хасанов Б.А. ва б. Ички аудитни автоматлаштириш асослари. – Т.: Фан, 2003. – 160 б.

<sup>7</sup> Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2007. – 36 б.

<sup>8</sup> Ахмаджонов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2016. – 76 б.

<sup>9</sup> Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2018. – 76 б.

<sup>10</sup> Тўраев А.Н. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2020. – 64 б.;

<sup>11</sup> Абдиева. Н.Ш. Ўзбекистон темир йуллари акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув тизимида ички аудитни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа докторлик (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2018. – 27 б.;

ички аудитнинг корпоратив бошқарув тизимидаги тутган ўрни, ички аудитни халқаро ички аудит стандартлари асосида ташкил этиш ва ишчи ҳужжатларни унга асосан тайёрлаш масалалари, ички аудиторларни сертификатлаш тизими халқаро тажрибалар асосида тўлиқ ўрганилмаган. Шу боис тадқиқот мавзуси бугунги кунда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларининг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви шароитида долзарб аҳамият касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №АМ-ФЗ-2019081548 «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботларини трансформация қилиш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ички аудит хизматини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув тизимида ички аудит хизматининг зарурлиги, унинг ташкилий механизмини ҳамда ички норматив-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

хорижий мамлакатларнинг ички аудиторлар малакасини тасдиқлаш тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимиздаги ички аудит хизматини тайёрлаш тизими билан таққослаш, таҳлил қилиш асосида ички аудит хизматини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий давлатлардаги акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув тизимида халқаро ички аудит стандартлари асосида ташкил этилган ички аудит жараёнини тадқиқ этиш;

ички назорат тизими тўғри шаллантирилган акциядорлик жамиятларининг молиявий-хўжалик фаолиятини самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) орқали баҳолаш;

акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув тизимида ички аудит хизмати фаолиятини халқаро ички аудит стандартлар асосида такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар бериш;

ички аудит хизмати фаолияти билан боғлиқ рискларни баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган аудиторлик жамоат бирлашмалари ҳамда акциядорлик жамиятларининг ички аудит хизмати фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ички аудит хизматини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, иқтисодий-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув тизимида ички аудит хизмати фаолиятини амалга оширишда бошқарув билан боғлиқ иқтисодий-молиявий рискларни аниқлаш ва баҳолашни киритиш орқали халқаро стандартларга мувофиқлаштирилган;

ички аудит хизмати ходимларининг касбий малакаларини ҳисобга олган ҳолда аудиторлик текширувларининг аниқ режалари бўйича вақт сарфини белгилашнинг аудит иш самарадорлигига ва сифатига таъсири аниқланган;

ички назорат тизимига баҳо бериш, таҳлилий амалларни қўллаш орқали аудиторлик текшируви жараёнида юзага келиши мумкин бўлган рискларни камайтириш асосланган;

акциядорлик жамиятларининг ички назорат тизимига таъсир этувчи иқтисодий вазият, рақобат даражаси, банкротлик эҳтимоли ҳамда молиявий ҳолат омилларини аниқлаш асосида ички аудит хизмати назорат рискинни ҳисоблаш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эконометрик моделларни қўллаш орқали сўровномалар ўтказиш йўли билан ички аудиторларнинг фаолиятига таъсир этувчи омилларга ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари орқали жамият фаолиятига баҳо берилган;

халқаро ички аудит стандартлари талаблари асосида ички аудиторларнинг иш вақти тақсимоли уларнинг режаси, фаолияти ва ишчи ҳужжатларини шаклларига кўра тақсимланиши асосланган;

халқаро ички аудит стандартлари асосида ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи ва ташкилий жиҳатларини ўзида акс эттирувчи, тўртта босқичда бажариладиган амаллар ишлаб чиқилган.

акциядорлик жамиятларнинг корпоратив бошқарув тизимида ички аудит хизмати халқаро ички аудит стандартлари асосида ташкил этилганлигини баҳолаш учун норматив–ҳуқуқий база асосида саволномалар тартиби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба–синов ишлари самарадорлигининг математик–статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, «Ўзпахтасаноат» АЖ, «Дехқонобод калий заводи» АЖларининг амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ички аудит хизмати фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил қилишни халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда назарий ва ташкилий–услубий жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар акциядорлик жамиятларининг корпоратив тизимидаги ички аудит хизматини халқаро ички аудит стандартлари асосида такомиллаштириш жараёнида

қўлланиладиган усулларни тизимлаштириш ва асослашда, ички аудит хизматининг ишчи ҳужжатлари шаклларини ишлаб чиқишда, текшириш натижаларини ички аудит ҳисоботларида акс эттиришда, ички ҳамда иқтисодий рискларни аниқлашда йўриқнома сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ички аудит хизматини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув тизимида ички аудит хизмати фаолиятини амалга оширишда бошқарув билан боғлиқ иқтисодий-молиявий рискларни аниқлаш ва баҳолашни киритиш орқали халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича таклифи «Ўзпахтасаноат» АЖ томонидан ички аудит хизматини ташкил этишда фойдаланилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 10 мартдаги 03-33/982-сон маълумотномаси). Натижада, кузатув кенгаш томонидан тасдиқланадиган қарорларда ички аудит хизматининг роли ва аҳамияти, ички назоратни самарали ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган сўровномалар ва уларнинг таҳлили натижалари бошқарув қарорларини оператив қабул қилиш имконини берган;

ички аудит хизмати ходимларининг касбий малакаларини ҳисобга олган ҳолда аудиторлик текширувларининг аниқ режалари бўйича вақт сарфини белгилашнинг аудит иш самарадорлигига ва сифатига таъсири бўйича таклифи «Дехқонобод калий заводи» АЖ томонидан ички аудит хизматини ташкил этишда фойдаланилган («Дехқонобод калий заводи» АЖнинг 2020 йил 27 октябрдаги 01-13/3237-сон маълумотномаси). Натижада, ички аудит хизматининг иш фаолиятини режалаштириш, умумий режани ва дастурнинг бажарилиши юзасидан назоратни олиб бориш имкони яратилган, ички аудит хизмати ходимларининг касбий малакасига асосан ҳам аудитни режалаштиришга 505 соат, аудиторлик амалларга 2395 соат ҳамда ҳисобот тайёрлашга 340 соат, жами йиллик 3240 соат ҳисобланган;

ички назорат тизимига баҳо бериш, таҳлилий амалларни қўллаш орқали аудиторлик текшируви жараёнида юзага келиши мумкин бўлган рискларни камайтириш бўйича таклифи «Дехқонобод калий заводи» АЖ томонидан рискларни баҳолашда фойдаланилган («Дехқонобод калий заводи» АЖнинг 2020 йил 27 октябрдаги 01-13/3237-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида ички аудиторларнинг дастурида кўрсатилган текшириш объектлари бўйича аудит ҳамда таҳлилий амаллар амалга оширилган, ҳамда аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилган ва юзага келадиган рисклар аниқланган;

акциядорлик жамиятларининг ички назорат тизимига таъсир этувчи иқтисодий вазият, рақобат даражаси, банкротлик эҳтимоли ҳамда молиявий ҳолат омилларни аниқлаш асосида ички аудит хизмати назорат рискинни ҳисоблаш бўйича таклифи «Ўзпахтасаноат» АЖ томонидан ички назорат тизимини баҳолашда фойдаланилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 10 мартдаги 03-33/982-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга

жорий этилиши натижасида ички аудиторлар томонидан корхонанинг иқтисодий вазияти, махсулотларни сотиш ва сотиб олишда ташқи ва ички бозорларнинг таъсири, жамиятнинг молиявий ҳолатлари, бухгалтерия ҳисоби, келгусидаги стратегиялар ҳамда мақсадлар ва бизнес билан боғлиқ омиллар орқали ички назорат рискларни махсус формулалар орқали ҳисобланган, ҳамда ички аудиторлар иш жараёнларидаги назорат тизимини олиб боришида рисклардан фойдаланиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 9 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 3 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 128 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот долзарблиги ва аҳамияти, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифанган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Корпоратив бошқарув тизимида ички аудит хизматини ташкил этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари»** деб номланган биринчи бобида корпоратив бошқарув тизимида ички аудит хизматининг моҳияти ва унинг ташкилий механизми, ички аудит хизматини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий асослари ҳамда ички аудит хизмати фаолиятида хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш масалалари очиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>12</sup>ги Фармонида корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришда чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш каби йўналишлар белгиланган.

Илмий изланишлар натижасида акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини халқаро ички аудит стандартлари асосида амалга оширишнинг лозимлиги ҳақида хулоса қилинган (1-расм). Унда ички аудитнинг мақсади, вазифалари, предмети, усуллари ва тамойилларининг ишлаб чиқилиши ички аудитнинг аниқ бир мақсад бўйича юритилишини асослайди. Ички аудит хизмати ходимлари ўз фаолиятини маълум бир норматив ҳужжатлар асосида олиб бориши, аммо бунинг учун уларнинг фаолияти тўғрисидаги тушунча, мақсад ва вазифалари аниқ белгиланган бўлиши кераклиги очиб берилган. Шунингдек, ҳозирги кунда халқаро тажрибага асосланган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ички аудитга акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган мустақил маслаҳат берувчи, холис ва кафолатли интеллектуал фаолият каби ёндашилиши лозим. Яъни, ички аудит акциядорлик жамиятида рискларни бошқариш жараёнига ҳамда унинг самарадорлигини баҳолашда қўйилган мақсад ва вазифаларни бажаришга хизмат қилиши асосланган.

---

<sup>12</sup> ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>12</sup>ги Фармон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 17-сон, 204-модда; 2017 й., 37-сон, 980-модда).



**1-расм. Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини ташкил қилиш механизми<sup>13</sup>**

<sup>13</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.

Бугунги кунда Ички аудиторлар институти томонидан ишлаб чиқилган ички аудитнинг халқаро стандартлари 30 га яқин давлат тилига таржима қилинган бўлиб, ундан 160 дан ортиқ мамлакатларда фойдаланилмоқда. Ички аудиторлар институтининг 200 мингдан ортиқ аъзоси мавжуд бўлиб, улар махсус Ички Аудит Сертификати (CIA) соҳиби ҳисобланадилар. Таъкидлаш жоизки, ушбу институт томонидан ички аудиторларни махсус сертификатлаштириш ва малакасини ошириш турли мамлакатларда жойлашган 800 та малака имтиҳон марказларида амалга оширилади.

### 1-жадвал

#### Россия ва Малайзия давлатларида ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тизими<sup>14</sup>

Ички аудит хизматини сертификатлаш босқичлари	Россия Федерацияси (малака имтиҳон дастури)	Малайзия (малака имтиҳон дастури)
<b>Ички аудитнинг назарий асослари</b>	<p>I. Раҳбарият ва уларнинг мажбуриятлари (25-40%)</p> <p>II. Ички назорат/Рисклар (20-30%)</p> <p>III. Ички аудит бўйича топшириқларни бажариш. (15-20%)</p> <p>IV. Аудиторлик усуллари ва амаллари (25-35%)</p>	<p>I. Ички аудит асослари (15%)</p> <p>II. Мустақиллиги ва объективлиги (15%)</p> <p>III. Профессионаллик, маҳорат ва тиришқоқлик (18%)</p> <p>IV. Сифатни ошириш ва таъминлаш дастури (7%)</p> <p>V. Бошқарув, рискларни бошқариш ва назорат қилиш (35%)</p> <p>VI. Фирибгарлик рисклари (10%)</p>
<b>Ички аудитнинг амалий асослари</b>	<p>I. Ички аудит функцияларини бошқариш (40-50%)</p> <p>II. Вазифаларни бошқариш (40-50%)</p> <p>III. Фирибгарликка қарши курашиш воситалари ва рисклари (5-15%)</p>	<p>I. Ички аудит фаолиятини бошқариш (20%)</p> <p>II. Вазифаларни режалаштириш (20%)</p> <p>III. Вазифаларни бажариш (40%)</p> <p>IV. Топшириқ натижалари бўйича маълумот бериш ва мониторинг қилиш (20%)</p>
<b>Ички аудит учун бизнес тушунчалар</b>	<p>I. Бошқарув, касб этикаси (5-15%)</p> <p>II. Рискларни бошқариш (10-20%)</p> <p>III. Тузилма/бизнес жараёнларининг таҳлили, рисклар (15-25%)</p> <p>IV. Муносабатлар ва музокаралар (5-10%)</p> <p>V. Корхонани бошқариш (10-20%)</p> <p>VI. Ахбороттехнологиялари / Бизнес жараёнлар (15-25%)</p> <p>VII. Молиявий менежмент (10-20%)</p> <p>VIII. Халқаро бизнес муҳити (0-10%)</p>	<p>I. Бизнес ҳақида базавий тушунча (35%)</p> <p>II. Маълумотларнинг ҳавфсизлиги (25%)</p> <p>III. Ахборот технологиялари (20%)</p> <p>IV. Молиявий менежмент (20%)</p>

Бунда малака имтиҳон саволлари ҳар бир босқичдаги бўлимларнинг дастурига асосан ҳар чорақда янгиланиб борилади ва улардаги саволлар ҳам ўзгариб боради. Юқоридаги 1-жадвалда Россия ва Малайзия давлатларининг амалдаги малака имтиҳон дастурига киритилган тахминий саволлар бўлими

<sup>14</sup> Ички аудиторлар институти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. <https://www.iaa-ru.ru/>, [iam.com.my](http://iam.com.my)

келтирилган. Иккала давлат ўртасида ички аудит хизмати фаолиятини сертификатлаш дастурлари ўртасида фарқ катта эмас, Россияда ҳам, Малайзияда ҳам ички аудиторларни сертификатлаш бўйича имтиҳондан ўтказиш дастури уч босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич ҳар хил бўлимлардан иборат. Биринчи босқичда Россия Федерациясида ички аудит хизматининг мажбуриятлари, ички назорат ва рисклар, аудит амаллари ва усуллари ҳамда вазифаларни бажариш бўлимлари, иккинчи босқичда ачки аудитнинг амалий жиҳатлари, яъни ички аудит функциялари ва вазифаларини бошқариш, фирибгарликка қарши курашиш ва уларга боғлиқ рисклар қаралади, учинчи босқичда эса кўпроқ бизнес жараёнлари, уларни бошқариш принциплари ҳамда молиявий менежмент бўлимларига кўпроқ эътибор қаратилган. Малайзия давлатида биринчи босқичда асосан ички аудитнинг муҳим назарий ва ташкилий жаҳатлари, бошқарув тизими, рискларни бошқариш ва назорат қисми юқори салмоққа эга бўлса, иккинчи босқичда ички аудит хизмати фаолиятининг амалий жиҳатларига, учинчи босқичда асосан бизнес-жараёнларга, маълумотлар хавфсизлиги ва ахборот технологияларига катта эътибор берилган.

К.Б.Ахмеджановнинг таъкидлашича, ички аудит институти жамоат ташкилоти сифатида ички аудиторларни сертификатлаш билан ҳам шуғулланади. Сертификатлашда ички аудит институти томонидан қўйиладиган талаблар халқаро аудит стандартлари ва ички аудит стандартларига асосланган. Республикамизда ҳам ички аудиторлар профессионал жамоат ташкилотлари Ўзбекистон аудиторлар палатаси ҳамда Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг тегишли сертификатига эга бўлишлари лозим. Бугунги кунда сертификат олиш учун ташкил этилган махсус имтиҳон саволларининг аксарияти миллий аудиторлик фаолияти стандартлари асосида тузилган<sup>15</sup>.

Ўзбекистонда ички аудитнинг асослари молия ва бошқарув ҳисоби, солиқ ва тадбиркорлик ҳуқуқларидан иборатдир. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ички аудиторлар акциядорлик жамиятларида амалга оширилган молия-ҳўжалик операцияларини текшириш билан чекланиб қолмасдан, балки келгусидаги бошқарув ва иқтисодий рискларни баҳолашни, ички назорат тизимини мониторинг қилишни ҳам қамраб олиши керак.

Хорижий тажрибани ўрганиш асосида, мамлакатимизда ички аудитор хизмати ходимларини сертификатлаш тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ва имтиҳон жараёнини 2 босқичда ўтказиш тавсия этилди. Бу эса ички аудит хизмати ходимларига нафақат молиявий ва хўжалик фаолиятини текшириш балки, ички назорат ва рискларни баҳолаш борасида ҳам чуқур билимларни олиш имконини беради (2-жадвал).

---

<sup>15</sup> К.Б.Ахмеджанов «Ички аудитни тартибга солишда халқаро тажриба ва уни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари» "Biznes - эксперт" журнали. №1(97)-2016. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjae xpert/36856>

**Ўзбекистонда ички аудит хизмати ходимларини тайёрлашнинг  
амалдаги ҳолати ва таклиф этилган босқичлар<sup>16</sup>**

Ички аудит хизматини сертификатлашнинг амалдаги ҳолати	Ички аудит хизматини сертификатлашнинг таклиф этилган босқичлари
<b>I. Ички аудит асослари (40%)</b> <b>II. Молиявий ҳисоб (15%)</b> <b>III. Бошқарув ҳисоби (15%)</b> <b>IV. Солиқ ва тадбиркорлик ҳуқуқи (30%)</b>	<b>Ички аудитнинг назарий асослари (биринчи босқич)</b> I. Ички аудит асослари (15%) II. Ички аудит этикаси (10%) III. Рискларни бошқариш, таҳлилий ҳамда аудит амаллари ва назорат тизимлари 35% IV. Ахборот технологиялари ва бизнес жараёнлари (15%)
	<b>Ички аудитнинг амалий асослари (иккинчи босқич)</b> I. Ички аудит хизмати фаолиятини бошқариш (20%) II. Ички аудит хизмати вазифаларини режалаштириш (20%) III. Ички аудит хизмати вазифаларини бажариш (30%) IV. Текширув натижалари бўйича маълумот бериш ва мониторинг қилиш (20%) V. Молиявий менежмент (10%)

Ушбу икки босқичга ўтилиши ички аудиторларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг бир қанча бўлимларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Тегишлича, ички аудиторлик малака сертификатини олмоқчи бўлган талабгорларда «Сертификатланган дипломли бухгалтер» (АССА), «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер» (СРА), «Дипломли ички аудитор» (СІА), «Бошқарув ҳисоби бўйича сертификат» (СІМА), «Молиявий ташкилотлар дипломли аудитори» (СFSA), «Давлат ташкилотларининг дипломли аудитори» (СGAP), «Рискларни бошқаришни баҳолаш бўйича дипломли мутахассис» (СRMA), «Ички аудит дипломи» (ІPFM) сертификатларининг амал қилиш муддати тугашига 6 ойдан кўп вақт қолган бўлса, ушбу ходимларга ички аудит малака сертификатини малака имтиҳонисиз тўғридан тўғри бериш, малака имтиҳони назарий ва амалий қисмлардан иборат бўлиши, имтиҳон натижалари 70 фоиздан юқори бўлганда малака сертификати берилишини назарда тутувчи ўзгаришларни Ички аудиторларни сертификатлаш тўғрисидаги низомга киритиш мақсадга мувофиқ.

**«Ички аудит хизматининг амалдаги ҳолати ва халқаро ички аудит стандартларига мувофиқ ташкил этиш»** деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида ички аудит хизматининг амалдаги ҳолати ички аудитнинг халқаро стандартлари асосида ишчи ҳужжатлар шакллари ва текшириш жараёнларини тўртта босқич орқали амалга ошириш тартиби ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари орқали баҳолашнинг асосий йўналишлари кўрсатилган.

Корпоратив бошқарув тизимида ҳисоб сиёсати ва бошқарув тамойилларига амал қилинишини ҳисобга олиб, ички аудит бўлимининг йиллик умумий режасини ишлаб чиқиш ва ишчи ҳужжатларни

<sup>16</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган



расмийлаштирилиш талаб этилади. Ички аудитнинг умумий режасини тузиш ва амалга ошириш учун аудиторлик амалларининг тавсифи, муддати ва ҳажмини белгилаб берадиган ички аудит дастурини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу ҳужжатларни акциядорлик жамиятининг кузатув кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиш лозим.

Маълумки, ички аудитнинг услубий асослари ва уни ўтказишнинг тартиб-қоидалари акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмаси, тармоқ хусусияти, ички назорат тизимининг хусусиятлари ва айнан ушбу жамият билан боғлиқ бошқа бир қатор омиллардан келиб чиқиб, ҳар бир объект учун алоҳида, унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Ички аудит бўлими раҳбари ички аудитнинг йиллик умумий режасини туздандан сўнг, унинг асосида аудиторлик текширувларининг аниқ режалари бўйича вақт сарфини белгилаши зарур. Бу эса қўйилган мақсадга эришиш учун қилинган харажатларни таҳлил қилиш натижасида ички аудит хизмати фаолиятини қанчалик самарали ишлаётганлигини баҳолаш имконини беради. Ички аудит хизмати фаолияти натижаларини ва унга кетган харажатлар билан таққослаш унинг ишига баҳо бериш учун хизмат қилади.

«Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқилган режа асосида жамиятнинг ички аудит хизмати ходимлари 3 кишидан иборат бўлиши, уларга аудиторлик текширувига ажратилган вақтни тўғри тақсимлаш керак деган хулосага келдик. Иш ҳафтаси стандарт 40 соатдан иборатлигини, бир йилда 43 иш ҳафтаси борлигини инобатга олсак, ҳар бир аудитор учун 1733 соат, қўшимчасига, ички аудит хизмати ходимларига зарур ҳолларда талаб этилиши мумкин бўлган маълум миқдорда ортиқча вақт ажратилган (3-жадвал).

### 3-жадвал

**«Дехқонобод калий заводи» АЖ бўйича йиллик ўтказиладиган ички аудит текшируви умумий режасининг бажарилиши вақти<sup>17</sup>  
(киши соатда)**

ИАХ ходимлари	Объектни ўрганиш	Аудит жараёни	Тавсиялар ишлаб чиқиш	Бўлимга раҳбарлик	Қўшимча вақт	Жами киши соат
<b>ИАХ раҳбари</b>	200	640	350	300	244	1733
<b>Раҳбар муовини</b>	153	1150	150	100	180	1733
<b>Ёрдамчи аудитор</b>	153	1450	50	0	80	1733
<b>Жами киши соат</b>	506	3240	550	400	504	5200

Ички аудит хизмати режаси бўлимларда аудиторлик текширувини ўтказиш режаси билан бирлаштирилади. Унда ҳудудларнинг бўлимларида ва бош офис бўлимларида аудит ўтказиш учун белгиланган вақт ички аудит хизмати ходимларининг касбий малакасига мувофиқ тақсимланади.

<sup>17</sup> «Дехқонобод калий заводи» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бўлинмаларни текширишнинг умумий режаси ўз мазмунига кўра мажбурий ташқи аудитнинг умумий режасига ўхшаш, аниқ топшириқ бўйича текширишнинг умумий режаси эса ташаббусли ташқи аудит умумий режасига ўхшаш тарзда тузилади .

#### 4-жадвал

### «Деҳқонобод калий заводи» АЖда ички аудит хизмати ходимларининг касбий малакасига асосан вақтнинг тақсимланиши<sup>18</sup> (киши соатда)

ИАХ ходимлари	Аудитни режалаштириш	Аудиторлик амаллари	Ҳисобот тайёрлаш	Жами киши соат
ИАХ раҳбари	135	305	200	640
Раҳбар муовини	150	900	100	1150
Аудитор ёрдамчиси	220	1190	40	1450
Жами киши соат	505	2395	340	3240

Юқоридаги 4-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, жами иш вақтининг 15 фоизи аудит текширувини режалаштириш, 75 фоизи аудиторлик текширувининг ўзи ва 10 фоизи хулоса ва ҳисоботларни ишлаб чиқишдан ташкил топган бўлиб, ўз навбатида, ички аудит хизмати ходимларининг малакасига қараб аудитнинг ҳар бир жараёнида қатнашиши билан бир қаторда, кичик лавозимдаги аудиторлар фаолияти ҳам назорат қилинади.

Умумий режа тайёрлаш ва уни бажариш учун харажатлар ички аудит хизмати бошлиғи томонидан иқтисодий асосланган бўлиши лозим.

Тадқиқотлар натижасида умумий режада қуйидагиларни назарда тутиш таклиф қилинади:

ички аудиторларни профессионал кўникмалари ва мансаб даражаларига мувофиқ равишда муайян участкалар бўйича тақсимлаш;

гуруҳнинг барча аъзоларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида кўрсатмалар бериш, текширилаётган объект тўғрисида маълумотларни етказиш;

иш ҳужжатларини қатъий юритиш;

текширилаётган объектнинг мансабдор шахслари розилиги билан бажарилаётган иш ва унинг тартибини ҳужжатли расмийлаштириш.

Шундай қилиб, аудитор ички аудит хизмати бўлими бошлиғига керакли маълумотлар йўқлиги, ахборот йиғиш учун ажратилган вақт етарли эмаслиги, экспертларни ёки аудит қилинаётган объектларни жалб қилиш имконсизлиги, шу жумладан, молиявий муаммолар ҳақида хабар бериши лозим. Ички аудит хизмати бошлиғи мазкур муаммоларни ўз ваколатлари доирасида ҳал эта олмаса, ёки ресурсларга жиддий чекловлар мавжуд бўлса, булар ҳақида бошқарув раисига хабар беради.

Ички аудиторлар молиявий коэффициентлар орқали корxonанинг самарадорлигини баҳолайди. Ҳар бир молиявий кўрсаткич юқори коэффициентга эга бўлса, корxonанинг молиявий барқарорлиги ҳам ошиб

<sup>18</sup> «Деҳқонобод калий заводи» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

боради. Бу корхоналар ҳар бир молиявий ҳисобот йилини фойда билан яқунлаши учун зарур ҳисобланади.

5-жадвал

«Дехқонобод калий заводи» АЖнинг 2015-2019 йиллардаги  
молиявий кўрсаткичлари таҳлили<sup>19</sup>

№	Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2019 йилнинг 2015 йилга фарқи (+,-)
1	Активлар рентабиллиги	0,0024	0,0001	0,0002	0,0014	0,0019	-0,0005
2	Мутлақ ликвидлик коэффициенти	0,0584	0,0884	0,059	0,000	0,17	0,1116
3	Молиявий мустақиллик коэффициенти	0,7788	1,0863	0,34	1,14	10,14	9,3612
4	Кредиторлик қарздорлигининг айланувчанлиги (кун)	177,04	262,71	250,53	100,29	41,06	-135,98
5	Дебиторлик қарздорлигининг айланувчанлиги (кун)	163,93	278,4	225,5	122,86	97,74	-66,19
6	Қоплаш коэффициенти (тўлов қобилияти)	1,27	2,45	2,51	2,87	2,7	1,43
7	Асосий воситаларнинг эскириши коэффициенти	0,14	0,18	0,22	0,18	0,25	0,11
8	Ишчиларнинг лаёқатлилиги (млн сўм)	67,6	60,2	103,0	184,1	193,4	128,8
9	Фондлар қайтими коэффициенти	0,28	0,18	0,31	0,45	0,48	0,20

Юқоридаги 5-жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, «Дехқонобод калий заводи» АЖнинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар 2015-2019 йилларда, айрим кўрсаткичларни ҳисобга олмаганда, ўсиш динамикасини намоён қилган. Хусусан: 2019 йилда активлар рентабеллиги 0,0019; кредиторлик қарздорлигининг айланувчанлиги 41,06; дебиторлик қарздорлигининг айланувчанлиги 97,74 ни ташкил этиб, кўрсаткичларнинг 2015 йил даврга нисбатан пасайиши кузатилган.

Таъкидлаш жоизки, ўрганилаётган даврларда айрим кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилган бўлса-да, бу молиявий ҳолат барқарор эмаслигини ифода этмайди.

Диссертациянинг «Ички аудит хизматини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш масалалари» деб номланган учинчи бобида ички аудит хизмати фаолиятини халқаро стандартлар асосида юритиш ва уларни қўллаш истиқболлари, уларнинг эконометрик моделлар орқали таҳлили, ички аудитда рискларни баҳолаш ҳамда ички аудиторлар томонидан ички назорат тизими орқали жамият самарадорлигини баҳолаш тартиблари келтириб ўтилган.

<sup>19</sup> «Дехқонобод калий заводи» АЖнинг молиявий ҳисоботлари орқали муаллиф томонидан тузилган

Иқтисодчи В.Андреев таъкидлаганидек, аудиторлик фаолияти стандартлари – бу ягона талабларни белгиловчи ҳужжатлар бўлиб, уларга риоя этилиши орқали аудит ва унга қўшимча хизматлар сифатининг муносиб даражаси таъминланади<sup>20</sup>. Америкалик олимни стандартлар гуруҳини фаолият стандартлари кўринишида эътироф этишни талаб қилганларнинг бири деб ҳисоблаш мумкин.

Фикримизча, ички аудит стандартларини 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

умумий стандартлар;

фаолият стандартлари (у аудитни режалаштириш, аудитни ўтказиш ва хулосани ўз ичига олади);

сифатни текшириш ва назорат.

Ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини амалий таҳлил қилишни махсус анкета-сўровномаси орқали амалга ошириш ҳамда барча саволларнинг тўғрилиги ва ишончлилигини аниқлаш учун дастлабки тест ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки айнан шу услуб орқали ички аудит хизматининг операцион фаолияти ва сифат тавсифномалари ўртасида ўзаро боғлиқликни кўриш мумкин. Ўзбекистон аудиторлар палатаси ёрдамида ишлаб чиқилган жами 150 та анкета-сўровнома Spearman rank<sup>21</sup> услуби орқали ўрганилди.

Ушбу жараёнда мустақил ўзгарувчиларга ички аудиторнинг операцион фаолияти, ички аудитни тартибга соладиган қонунчилик базасини такомиллаштириш ва ички аудит фаолиятини таъминлаш киритилган. Улар сифат тавсифномалари билан боғлиқ бўлган ўзгарувчи ўртасида боғлиқлик синовдан ўтказилган. Spearman rank корреляцияси қиймати 0.00 (корреляция мавжуд эмас) ва 1.00 (мукамал корреляция) оралиғида бўлиши мумкин. Dusick (2012) маълумотларига кўра, Spearman rankнинг ўзаро таққослаш қиймати қуйидагича:

I. 0,9 дан 1,0 гача бўлган қиймат – ўта юқори корреляция

II. 0,7 дан 0,89 гача бўлган қиймат - юқори корреляция

